

DEVELOPMENT OF SPEECH AND THINKING IN CHILDREN**Zikrulloeva Zebiniso**

Faculty of advanced courses of UzSWLU

In preschool and primary education

foreign language (english)

direction student

Annotation: The author of the article does not have the opportunity to think from birth. He introduced the concept of the introduction of technology in all spheres, the need for the development of all psychological processes in humans and children, first of all, the development of thinking, and a number of features.

Keywords: Child of parenting age, thinking, personality, thinking, perception, process.

БОЛАЛАРДА НУТҚ ВА ТАФАККУРНИНГ ЎСИШИ**Зикруллоева Зебинисо**

ЎзДЖТУ қуий курслар факультети

Мактабгача ва бошланғич таълимда

хорижий тил (инглиз тили)

йўналиши талабаси

Аннотация: Мақолада муаллиф бола туғилганиданоқ тафаккур қилиш имкониятига эга бўлмаслигини. Ҳозирги кунда барча жабҳаларда техника-технолоғиянинг кириб келиши, одамларда ва болаларда барча психологик жараёнларнинг, биринчи навбатда тафаккурнинг ривожланган бўлишини талаб қилиниши ва бир қанча хусусиятлари ҳақида тушунча берган.

Калит сўzlари: Тарбия ёшидаги бола, тафаккур, шахс, фикрлаш, идрок, жараён

Тафаккур шахснинг объектив воқеадаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг мухим хусусиятларини боғлаш ҳамда муносабатларни бевосита умумлашган ҳолда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий жараёндир. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури ҳам, асосан аниқ амалий ва аник-яққол бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола бирор бир ишни қилаётганда шу ишнинг мақсадини олдиндан белгилаб қўяди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг мана шундай фикрлаш жараёни анча мураккаброқ бўлган ўйин фаолиятида ва унинг уйидаги ўзи уддалайдиган фаолиятида намоён бўлади ҳамда ўсиб боради. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўйинда ва меҳнатда бошқаларнинг ҳаракатларига кўпинча тақлид қилиб қолмасдан, балки шу билан бирга, бази вазифаларни ўзи ҳам мустақил қиласидиган бўлиб қолади.

Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккурида кишилардан тайёр ҳолда олинган ҳукмлар катта ўрин олади, шу билан бирга, бу ҳукмлар инобатли ҳукмлардек хис килинади. Мактабгача тарбия ёшидаги бола катта ёшдаги кишиларнинг бирон бир фикрини кўпинча чин қабул қиласиди, чунки у бу фикрнинг қатъийлиги учун шу кишининг этиборига суняди: "Ойим шундай деган" важни келтиради. Бу ёшидаги болалар ҳаммага ва ҳамма нарсага ишонавериши маълум. Лекин мактабгача тарбия ёшидаги бола ўзи тушуна оладиган материаллар доирасида тўғрини нотўғридан фарқ қиласиди. У ўзи идрок қилаётган сўзларнинг реалликка мувофиқ келиши ёки ҳодисанинг bemaniлигини пайқаб қолади. Масалан: отаси қизига пойезднинг суратини чизиб беради. Вагоннинг эшигини суратга чиздию, аммо зиннанинг суратини солмади. Қиз отасидан сўрайди: "Вагоннинг зинаси қани?" Отаси: " Нариги

томонда" дейди. Қиз отасидан сўрайди: "Нега вагоннинг зинаси нариги томонида?". "Ундоқ болса нега бу ерда эшиги бор?".

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўз муҳокамасида, асосан, бир бирига охшатиш йўли билан хулоса чиқарадилар. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар мактаб ёшига етай деб қолганларида уларда дедуксия ва индуксия йўли билан хулоса чиқариш қобилияти ўса бошлайди. Болалар бундай хулоса чиқариш шаклини катталардан нутқ билан биргаликда ўрганиб оладилар.

Болаларга бериладиган ва асосан мактабда амалга ошириладиган таълим болалар тафаккурнинг ўсиши учун ғоят катта аҳамиятга эгадир. Мактаб ёшидаги кичик болаларнинг тафаккури хали ҳам амалий, аниқ тафаккур бўлади, лекин таълим жараёнида бундай болаларнинг аниқ тафаккурига қараганда, мураккаброқ ва мазмунлироқ бўлиб қолади, улардаги фикрлаш жараёнларининг ҳаммаси такомиллаша боради. Мактабда ўқитувчи бола тобора мураккаброқ нарсаларни ва ўзи идрок қилаётган нарсаларни ҳамда ҳодисаларнига эмас, балки, шу билан бирга, тасаввур қилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳам бир бирига таққослашни, анализ қилишни ва синтез қилишни ўрганиб олади. Бошлангич ва ўрта мактабда ўқитувчиларнинг ҳаммасида ҳам тафаккурнинг ўсиши ва ривожланиши бир хил ва бир текис бўлавермайди, албатта. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари кўп даражада бошқа бошқа психик жараёнларнинг хотира, хаёл, нутқ, дикқат, ироданинг ўсиши билан белгиланади; бу индивидуал хусусиятлар ўқувчиларнинг қизиқишларига, таълим ва амалий ишлардаги фаолликларига, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз ўзларини тарбиялашга боғлиқ бўлади. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг нутқини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга. Уларда нутқ маданиятини ривожлантиришга доир қўйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш лозим :

- 1) товушларни тўғри талаффуз қилишни шакллантириш (болада аввало, нутқни эшлиши шаклланади, кейинроқ талаффузни эгаллайди.)
- 2) аниқ талаффузни ҳосил қилиш (сўз ва сўз биримларини дона дона ва аниқ талаффуз қилиш);
- 3) сўзни талаффуз қилганда урғуни тўғри қўйиш устида ишлаш
- 4) нутқни орфоэпик жиҳатдан тўғрилига устида ишлаш
- 5) нутқ суръатини ривожлантириш
- 6) нутқ ифодалилигини шакллантириш
- 7) нутқий алоқа кўникмаларини шакллантириш
- 8) нутқий эшлиши кўникмаларини шакллантириш
- 9) нутқий нафас олишни шакллантириш
- 10) ўз фикрини эркин ва изчил баён этиш кўникмасини шакллантириш.

Болаларнинг тили чиққанидан бошлаб, уларнинг фойдаланаётган сўzlари тез-тез кўпая бошлайди. Айни бир ёшдаги болаларда сўз бойлиги турлича бўлади. Масалан, бази психологларнинг килган хисобларига қараганда, икки яшар болаларнинг сўз бойлиги 250-400 сўзга етади, болалар етти ёшга етганда улардаги сўз бойлиги 3000-3500 га боради. Теварак атрофтадаги одамлар билан доимий гаплашиб туриш шароитида тарбияланган болаларнинг нутқидаги сўз бойлиги эса уларнинг икки яшар чоғида 285 тага, уч яшар чоғида эса 2050 тага етади.

Болалар тўғри тарбияланиб борганларида, айниқса, мактабгача тарбия ёшига етганларида, уларга тилнинг грамматикаси шаклларини амалий равишда эгаллаш жуда тез қадам билан олға қараб боради. Шундай экан ҳар биримиз фарзандларимизни илк қадамдан нутқини ва тафаккурни мукаммалаштира билишимиз лозим .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. П.И.Иванов ва М.Е. Зуфарованинг "Умумий психология" китоби
2. <http://library.ziyonet.uz>